

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ**  
**ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**РАВШАНОВ ТҶЙЛИ ГУЛМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**  
**(МАЛАЙЗИЯ МАМЛАКАТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент - 2022**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
in economic sciences**

**Равшанов Тўйли Гулмуродович**

Ўзбекистонда зиёрат туризмини ривожлантиришнинг ташкилий  
механизмлари (Малайзия мамлакати мисолида).....3

**Равшанов Тўйли Гулмуродович**

Организационные механизмы развития паломнического туризма  
в Узбекистане (на примере Малайзии) .....27

**Ravshanov Tuyli Gulmurodovich**

Organizational mechanisms of the development of pilgrimage tourism  
in Uzbekistan (in the example of Malaysia) .....51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**МАДАНИЙ МЕРОС ОБЪЕКТЛАРИ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ**  
**ВА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ**  
**ИНСТИТУТИ**

**РАВШАНОВ ТҶЙЛИ ГУЛМУРОДОВИЧ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ЗИЁРАТ ТУРИЗМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ**  
**ТАШКИЛИЙ МЕХАНИЗМЛАРИ**  
**(МАЛАЙЗИЯ МАМЛАКАТИ МИСОЛИДА)**

**08.00.17 – Туризм ва меҳмонхона фаолияти**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Iqt1633 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Маданий мерос объектлари муаммоларини ўрганиш ва туризмни ривожлантириш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва “Ziynet” Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Алиева Маҳбуба Тойчиевна**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Сафаров Баходир Шахриёрович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Мирзаев Абдуллажон Топилович**  
иқтисодиёт фанлари доктори (DSc)

**Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кuni соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (+998 71) 239-28-72; факс: (+998 71) 239-43-51, e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49-уй. Тел: (+998 71) 239-28-72. e-mail: [info@tsue.uz](mailto:info@tsue.uz).

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ кuni тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Н.Х.Жумаев**

Илмий даражалар берувчи кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**У.В.Гафуров**

Илмий даражалар берувчи кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., профессор

**А.А.Эштаев**

Илмий даражалар берувчи кенгаш асосида бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда исломий тамойилларга мувофиқ келувчи туризм хизматлари турларининг кўпайиши ва аҳоли даромадларининг ортиши туризм тармоғида исломий хусусиятларга асосланган туризмнинг улуши йилдан-йилга ортишига сабаб бўлмоқда. Хусусан, “2019 йилда дунё бўйлаб 160 млн. мусулмон сайёҳлар томонидан туризм харажатлари учун 155 млрд.доллар сарфланган бўлса, 2023 йилда мазкур харажатлар учун 140 млн. мусулмон туристлар томонидан ушбу йилда 137 млрд. доллар маблағ сарфланиши прогноз қилинмоқда”<sup>1</sup>. Кейинги ўн йилликда туризм кўплаб мамлакатлар иқтисодиётининг энг катта фойда келтирадиган ва самарали тармоқларидан бири бўлиши, янги иш ўринлари ташкил этиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ортишига хизмат қилиши билан аҳамият касб этиши кутилмоқда.

Жаҳонда мусулмон туристларнинг эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ҳалол ва исломий туризм хизматларини ташкил этиш ва исломий тамойилларга мувофиқ келувчи зарурий инфратузилмаларини яратиш, туризм бозорини иқтисодий ва эконометрик омиллар орқали баҳолаш, мазкур тармоқда ҳам кластерлар сиёсатини амалга ошириш, исломий тамойилларга асосан ишлаб чиқарилган маҳсулотларни диверсификация қилиш учун инвестициялар киритиш ва туризм соҳасини рақамлаштириш шароитида ушбу маҳсулотларни онлайн сотиш ва сотиб олиш учун инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шунингдек, зиёрат туризмни ривожлантиришда исломий тамойилларга мувофиқ келувчи сайёҳлик йўналишларини ишлаб чиқиш ва қўллаб-қувватлаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистонда зиёрат туризмни ривожлантириш, халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, зиёрат туризмни ривожлантириш доирасида маҳаллий ва халқаро авиарейслари ҳамда темир йўл қатновини йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилмоқда. “Зиёрат ва анъанавий туризмни ривожлантириш мумкин бўлган маршрутлардаги объектлар сонини 800 тага етказиш бўйича чора-тадбирларни белгилаш”<sup>2</sup> назарда тутилган. Бу вазифаларни амалга оширишда зиёрат туризмни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини аниқлаш, уни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларини яратиш, ҳалол стандартларига жавоб берадиган туристик инфратузилмаларини ташкил этиш, исломий тамойилларга асосланган тартибларни жорий этиш каби йўналишларда илмий тадқиқотларни чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 майдаги ПФ-6002-сон “Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш

<sup>1</sup> <https://sesricdiag.blob.core.windows.net/sesric-site-blob/files/article>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. Тошкент ш. “Халқ сўзи”, 2020 йил 25 январь

учун туризм соҳасини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон “Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2022 йил 15 январдаги ПФ-52-сон “Туризм, маданият, маданий мерос ва спорт соҳаларини янада ривожлантириш учун қўшимча шароитлар яратиш тўғрисида”ги, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги, 2022 йил 18 февралдаги ПФ-75-сон “Туризм, маданий мерос ва спорт соҳаларида давлат бошқарувини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонлари, 2022 йил 30 апрелдаги ПҚ-232-сон “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Иқтисодий адабиётларда зиёрат туризми билан боғлиқ хизматлар самарадорлиги ва сифатини ошириш, соҳани ривожлантириш ва уни бошқариш стратегиясини такомиллаштиришнинг турли жабҳаларига хос назарий ва методологик масалалар ўрганилган. Бу борада олимлардан И.Фласкеруд, Ж.Рижард, А.Жаковски, В.Смитс, Н.Наумов, Й.Пория, Р.Бутлерва, Д.Аирей, К.Дин, К.Авангва, Юнус Абд Азиз, Р.Барбер, Д.Олсен ва Д.Тимоти, Г.Риншенде ва Б.Вуковичнинг <sup>3</sup> илмий ишлари алоҳида аҳамият касб этади. Бундай олимларнинг тадқиқотларида зиёрат туризмнинг назарий жиҳатлари, ривожланиш тарихи, тамойиллари ҳамда жаҳонда зиёрат туризмнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрни, ҳалол стандартларини жорий қилиш ва зарур инфратузилмани шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

---

<sup>3</sup>Ingvild Flakerud and Richard J. Natvig Muslim Pilgrimage in Europe, 2018, pp. 3–5; Jackowski, A. and Smith, V. Polish pilgrim-tourists, *Annals of Tourism Research*, 1992, 19; pp. 92–106; Metreveli, M. and Timothy, D. J. Religious heritage and emerging tourism in the Republic of Georgia. *Journal of Heritage Tourism*, 2010, 5(3); pp. 237–244; Olsen, D.H. and Timothy, D.J.) *Tourism and religious journeys*. In D.J. Timothy and D.H. Olsen (eds) *Tourism, Religion and Spiritual Journeys*, 2006, pp.1–21; Routledge, Vukonic, B. Medjugorje’s religion and tourism connection, *Annals of Tourism Research*, 1992, 19; pp. 79–91; Cohen, E. Pilgrimage centers: Concentric and excentric, *Annals of Tourism Research*, 1992, 19; pp. 33–50; Din, K. Islam and tourism: Patterns, issues and options, *Annals of Tourism Research*, 1989, 16; pp. 542–563; Poria, Y., Butler, R. and Airey, D. Tourism, religion and religiosity: A holy mess, *Current Issues in Tourism*, 2003, 6(4); pp. 340–363; Khairil Wahidin Awang and Yuhannis Abd Aziz *Tourism policy development: a Malaysian experience*, 2015; Nick Naumov *Religious tourism and perspectives for development in Sozopol, Bulgaria*, 2014; Rinschede, G. Forms of religious tourism, *Annals of Tourism Research*, 1992, 19(1); pp. 51–67; Barber, R. *Pilgrimages*. London: The Boydell Press (1993);

Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатларида зиёрат туризми соҳасида Ван Фарахия изни Абд Раҳман, Ҳариф Аҳамат, М.Б.Биржаков, С.Мандал, Муҳамед Батур, Иброҳим Аскора, Муҳаммад Назари Исмаил, Амини Амир Абдуллах, Норсазали Абдуллах, Моҳд Дауд Аванг, М.Опперман<sup>4</sup>лар томонидан илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари олимларининг бу ишларида зиёрат туризми индустриясини ривожлантириш, “ҳалол” стандартларини жорий этиш ва бошқариш жиҳатлари, унинг тартиб-тамойиллари турли мамлакатлар хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ этилган.

Мамлакат иқтисодчи олимларидан С.С.Ғуломов, А.Ф.Саидов, Қ.Х.Абдурахманов, Н.Т.Тўхлиев, М.Қ.Пардаев, М.М.Муҳаммедов, И.С.Тухлиев, М.Э.Пўлатов, Қ.Ж.Мирзаев, Д.Х.Асланова, Б.Наврўззода, О.М.Пардаев, М.Т.Алимова, А.А.Эштаев, М.Т.Алиева, Б.Ҳ.Тўраев, О.Ҳ.Ҳамидов, Б.Ш.Сафаров, Н.М.Абдусаломова, А.Н.Норчаев, Н.С.Ибрагимов, О.К.Ким, Б.Ю.Мирбабаев, С.С.Рўзиев, Н.Э.Ибадуллаев, Ҳ.А.Раҳимов, А.А.Худояров каби олимларнинг илмий ишларида<sup>5</sup> менежмент,

---

<sup>4</sup>Ван Фарахия изни Абд Раҳман ва Ҳариф Аҳаматларнинг “Legal Protection of Malaysia Umrah Pilgrims” мақоласи. 2019 й. 1-4 бетлар; С.Мандалнинг “Popular Sites of Prayer, Transoceanic Migration, and Cultural Diversity: Exploring the significance of keramat in Southeast Asia” мақоласи, 2012 й. 355-372 бетлар; Муҳамед Батурнинг (Mohamed Battour) “Muslim Travel Behavior in Halal Tourism” мақоласи, 2017; Ibrahim Ascoura Impact of Pilgrimage (Hajj) on the Urban Growth of the Mecca, 2013, Vol. 3 (2); Halal tourism: Concepts, practises, challenges and future, 2015, pp-2-3; Oppermann, M. "Intranational Tourist Flows in Malaysia." Annals of Tourism Research, 1992, 19; 482-500; Амини Амир Абдуллах, Норсазали Абдуллах ва Моҳд Дауд Аванг “Islamic Tourism: The Characteristics, Concept and Principles” мақоласи. 2020. 2-15-бет;

<sup>5</sup> Гулямов С.С., Жумаев Н.Х., Раҳманов Д.А., Тошходжаев М.М. Ижтимоий соҳада инвестицияларнинг самарадорлиги. Монография. – Т.: IQTISODIYOT, O‘zbekiston Respublikasi 2019. – 203б.; Саидов А.Ф. Организационно-экономические механизмы управления туризмом республики Узбекистан: док. дисс.автореф., 1994.-36с.; Абдурахманов К.Х. Менежмент туризма: Учебное пособие. – Т.: Филиал ФГБОУ ВПО «РЭУ им. Г.В. Плеханова» в г. Ташкенте, 2013.; Тухлиев Н., Абдуллаева Т. Менежмент и организация бизнеса в туризме Узбекистана. – Т.: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.–2006. –367 с.; Пардаев М.Қ., Атабаев Р. Туристтик ресурсларни таҳлил қилиш ва баҳолаш. – Самарқанд: СамИСИ, 2006. - 137 б.; Муҳаммедов ва бошқалар «Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари». – С.: Зарафшон 2007. – 299 б.; Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Сафаров Б.Ш., Турсунова Г.Р. Туризм асослари. Дарслик. – Т.: Фан ва технология, 2014.- 332 б.; Пўлатов М.Э., Мирзаев Қ.Ж., Султонов. Ш.А, Шавқиев Э. Глобал иқтисодий ривожланиш (туризм иқтисодиёти). Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2018. – 296 бет.; Асланова Д.Х. Модели формирования туристского кластера за рубежом // Сервис, 2013. - №1. – С. 4-9; Навруз-зода Б.Н., Ибрагимов Н.С., Навруз-зода З.Б., Навруз-зода Ш.Б. Туристтик ҳудуд рақобатбардошлиги. Монография. – Бухоро: “Sadriiddin Salim Buxoriy” Durdona nashriyoti, 2017 - 156 б.; Пардаев О.М. Менежмент. Ўқув қўлланма. – Т.: Фан ва технология, 2019. –248б.; Алимова М.Т. Худудий туризм бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари (Самарқанд вилояти мисолида): иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2017. - 265 б.; Эштаев А.А. Глобаллашув шароитида туризм индустриясини бошқаришнинг маркетинг стратегияси (Ўзбекистон Республикаси туризм тармоғи мисолида). Doctor of science диссертация автореферати –Самарқанд. 2019.; Алиева М.Т.Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида туризм хизматлар соҳасини бошқаришнинг иқтисодий жиҳатлари (Ўзбекистон республикаси мисолида) Doctor of science диссертация автореферати. – Самарқанд, 2019.: Тураев Б.Х. Развитие организационно-экономических механизмов функционирования регионального туризма: док.дисс. автореф., 2011.–38 с.; Ҳамидов О. Х. Выбор конкурентной стратегии предприятий на рынке туристических услуг Узбекистана: канд. дисс. автореф, 2006-22 с.; Сафаров Б.Ш. Миллий туристик хизматлар бозорини инновацион ривожлантиришнинг методологик-услубий асосларини такомиллаштириш: иқтисодиёт фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. – С.: СамИСИ, 2016. - 254 б.; Абдусаломова Н.М. Халқаро туризмда маркетинг жараёнининг ривожланиши: номзод. дисс.автореф., 2001.- 22 б; Норчаев А.Н. Халқаро туризм ривожланишининг иқтисодий ўсишга таъсири (Испания мисолида): иқт.фан.номз. дисс. – Т., 2004. - 136 б.; Ибрагимов Н.С. Ўзбекистонда халқаро туризмни ривожлантиришда дестинацион менежмент концепциясини қўллаш.– Номзод..дисс.автореф, 2008. –23 б; Ким О.К. Маркетинг

туризм соҳасида бошқарув тизими, рақобатбардошлиги ва самарадорлиги, зиёрат туризми соҳасини янада ривожлантириш ва меҳмондўстлик индустрияси, бошқариш назарияси ва амалиёти, ҳудудларнинг салоҳияти ва уларни ривожлантириш масалаларига кенг эътибор қаратилган.

Юқоридаги номлари зикр этилган иқтисодчи олимлар ўз ишлари орқали юртимизда жойлашган қадимий обидалар, муқаддас зиёратгоҳлар, тарихий ва маданий ёдгорликларнинг зиёрат туризми ривожланишидаги тутган ўрни, ушбу хизматларни диверсификациялаш ва сифатини ошириш ҳамда туристик инфратузилмани яхшилаш ишлари ўрганилган.

Аммо улар томонидан зиёрат туризми соҳасига инвестициялар киритиш, бу соҳада инновацияларни жорий этиш, ҳудудлар миқёсида зиёрат туризмига ихтисослашган қадимий обидалар ва муқаддас зиёратгоҳларни давлат томонидан реконструкция ва реставрация қилиш, уларни хорижий мамлакатларда тарғибот ва ташвиқот қилиш каби масалалар етарли даражада ўрганилмаган.

Шу тўғрисида туризмни иқтисодийнинг етакчи тармоқларидан бирига айлантиришда зиёрат туризмининг янада ривожлантириш, мамлакатда жойлашган қадимий обидалар, зиёратгоҳлар ва бошқа объектларда туристлар учун зарур инфратузилмаларни барпо этиш ва мавжуд инфратузилмаларни яхшилаш механизмларини тадқиқ этиш, бошқарувни такомиллаштириш, бу объектлар атрофида ҳалол стандартларига жавоб берувчи туризм инфратузилмаси объектларини, хусусан масжидлар, меҳмонхоналар, умумий овқатланиш шохобчалари ва бошқа объектларни барпо этиш ишларини тадқиқ этиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур диссертация мавзуси айнан шу жиҳатлардан келиб чиқиб танланди ва унинг мақсади ҳамда вазифалари шакллантирилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур диссертация мавзуси Тошкент давлат иқтисодий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ИОТ–2014–1–11-рақамли “Ўзбекистонда туристик ва меҳмонхона хизматларини инновацион ривожлантиришда халқаро ISO стандартларидан фойдаланиш” мавзусидаги (2014-2015 йй.) инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг ташкилий механизмларини такомиллаштириш билан боғлиқ таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

туристских гостиничных услуг. – канд. дисс.автореф., 1999.-21 с.; Мирбабаев Б.Ю. Ўзбекистон туризмида маркетинг ва унинг глобаллашув шароитида такомиллашуви. – номзод. дисс.автореф., 2008. –23 б; Рўзиев С.С. Ўзбекистон маданий туризм бозори ва унинг истикболлари: –номзод.дисс. автореф.2009. –21б.; Ибадуллаев Н.Э. Туристтик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари (Самарқанд вилояти мисолида). – Иқт.фан.дисс.автореф. – Самарқанд, 2010. Раҳимов Ҳ.А. Меҳмонхона хўжаликларида самарадорликни баҳолаш ва таҳлил қилишни такомиллаштириш.- иқтисодий фанларидан фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – 2018. – 62 б.; Раҳимов Ҳ.А.Туризм ва меҳмонхона хўжалигида самарадорликни оширишнинг назарияси ва методологик масалалари. Монография. –Т.: Иқтисод-молия, 2017. –200 б.; А.А.Худоёров Ўзбекистонда зиёрат туризмининг ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. Монография. –Т.: “Complex print”, 2021. –15 б.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

зиёрат туризмнинг ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари, ушбу тармоқнинг ривожланиш ҳолати, тенденциялари ҳамда уларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш;

ҳалол туризм бозорига киритилаётган инвестициялар ва инновацион лойиҳалар ҳамда уларни молиялаштириш манбаларига асосланган ҳолда такомиллаштириш механизмини аниқлаш;

Малайзияда туризм соҳасини ривожланиш босқичлари, зиёрат туризмни ривожлантиришнинг ўзига хос ташкилий механизмлари ҳамда унга асосланган исломий туризмнинг хусусиятларини баҳолаш;

пандемия шароитида хавфсиз туризм қондаларига қатъий риоя қилган ҳолда зиёрат туризми хизматларини диверсификация қилиш йўллари ишлаб чиқиш;

қадимий обидалар, зиёратгоҳлар ҳамда бошқа диққатга сазовар жойлар атрофида зиёратчилар учун зарур инфратузилма объектларини барпо этиш;

саёҳатларини ташкил этиш, ички ва зиёрат туризм йўналишларида амалга ошириладиган авиақатновларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларга белгиланган тартибда субсидиялар ва чегирмалар ажратиш.

**Тадқиқотнинг объекти** бўлиб Ўзбекистон ва Малайзия мамлакатларининг зиёрат туризми соҳаси ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** туризм соҳасини иқтисодийнинг етакчи тармоғига айлантириш шароитида зиёрат туризмни янада ривожлантириш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда илмий абстракция, индукция ва дедукция, таҳлил ва синтез, иқтисодий-математик усуллар, тизимли ёндошув, гуруҳлаш, статистик ва таққослама таҳлил, эконометрик таҳлил ва прогнозлаштириш ҳамда сўровнома ўтказиш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

туризм турларини кўпайтириш, ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил қилишга кўмаклашиш, зиёрат туризмни ривожлантириш учун миллий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни мониторинг қилиш бўйича “Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бошқармаси”ни ташкил этиш таклиф этилган;

зиёратгоҳлар атрофида ҳалол талабларни жорий этиш орқали зиёрат туризми дастури доирасида йўловчиларни ташиш бўйича хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ерда кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари учун эълон қилинган тарифларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилиш таклиф этилган;

маҳаллий туристларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш, ички ва зиёрат туризм йўналишларида амалга ошириладиган авиақатновларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан авиа чипта нархининг 25 фоизи миқдорида субсидиялаш таклиф этилган;

“Имом Бухорий” мажмуаси атрофида жойлашган тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижалари, улар олган даромаддан тўланган солиқлар, тадбиркорлар олувчи даромадга таъсир этувчи омиллар асосида 2025 йилга қадар прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижаси** қуйидагилардан иборат:

қадимий обидалар, зиёратгоҳлар ҳамда бошқа диққатга сазовор жойлар ва унинг атрофида жойлашган туризмга ёндош объектларда ҳалол талаблари жорий этилиши натижасида зиёратчилар оқимининг ортиш кўрсаткичлари билан уйғунлашган ҳолда асослаб берилган;

маҳаллий туристларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш, ички ва зиёрат туризм йўналишларида амалга ошириладиган авиақатновларни қўллаб-қувватлаш таклифлари берилган;

зиёрат туризмини ривожлантириш учун миллий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни мониторинг қилиш бўйича “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бошқармаси”ни ташкил этиш таклиф этилган;

хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ерда кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари учун эълон қилинган тарифларга чегирмалар таклифи асосланган.

**Олинган натижаларининг ишончлилиги** тадқиқотда қўлланилган ёндашув, метод ва назарий маълумотлар расмий манбалар асосида, жумладан Бутунжаҳон туризм ташкилоти, Туризм ва саёҳатлар бўйича Жаҳон Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Туризм ва маданий мерос вазирлиги расмий маълумотларидан фойдаланилганлиги, ишда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги ва илмий асосланганлиги, илмий тадқиқот ишида келтирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методологик таклиф ва тавсиялар зиёрат туризми ва унга ёндош инфратузилма объектлари атрофида ҳалол туризм хизматларининг ривожланишига оид тадқиқотнинг илмий апаратыни такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, уларга асосан ишлаб чиқилган таклиф ва амалий тавсиялардан республикада ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича меъёрий ҳужжатлар, тармоқни ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар, республикада авиа ва темир йўл қатнови йўналишлари, авиачипталар ва меҳмонхона хизматларини субсидиялаш миқдорини белгилаш, шунингдек, иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Туризм: назария ва амалиёт”, “Зиёрат туризми”, “Туризмни режалаштириш” фанлари бўйича ўқув дастурлар, қўлланмалар, дарсликлар тайёрлашда услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Зиёрат туризми бозорининг илмий-методологик асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

туризм турларини кўпайтириш, ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил қилишга кўмаклашиш, зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича миллий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни мониторинг қилиш учун “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бошқармаси”ни ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 19 февралдаги “Туризм ва маданий мерос вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-135-сон қарорида акс этган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 13 июндаги 04-26/2411-сон маълумотномаси). Натижада ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатларни самарали ташкил этишга эришилган;

зиёратгоҳлар атрофида ҳалол талабларни жорий этиш орқали зиёрат туризми дастури доирасида йўловчиларни ташиш бўйича хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ерда кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари учун эълон қилинган тарифларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 апрелдаги “Ички туризм хизматларини диверсификация қилишга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-232-сон қарорида акс этган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 13 июндаги 04-26/2411-сон маълумотномаси). Натижада бугунги кунда ушбу йўналишдаги қатновлар сони 4 тадан 6 тага кўпайишига эришилган;

маҳаллий туристларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш, ички ва зиёрат туризм йўналишларида амалга ошириладиган авиақатновларни кўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан авиа чипта нархининг 25 фоизи миқдоридан субсидиялаш таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 февралдаги “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 100-сон қарорида акс этган ҳамда Туризм ва маданий мерос вазирлигининг Инвестицияларни жалб этиш, туризм ва транспорт-логистика инфратузилмасини ривожлантириш бошқармаси амалиётида жорий этилган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 13 июндаги 04-26/2411-сон маълумотномаси). Натижада ҳозирда авиаташувчиларга ушбу йўналишларидаги авиақатновларни амалга оширилганликлари учун 30,0 млрд.сўм давлат бюджетидан ажратилган;

“Имом Бухорий” мажмуаси атрофида жойлашган тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижалари, улар олган даромаддан тўланган солиқлар, тадбиркорлар олувчи даромадга таъсир этувчи омиллар асосида 2025 йилга қадар ишлаб чиқилган прогноз кўрсаткичлари Туризм ва маданий мерос вазирлиги Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бошқармасининг истиқболдаги ривожлантириш дастурларини шакллантиришда фойдаланилган (Туризм ва маданий мерос вазирлигининг 2022 йил 13 июндаги 04-26/2411-сон маълумотномаси). Илмий натижалардан фойдаланиш Самарқанд вилоятида 2022-2025 йилларда зиёрат туризми соҳасини ривожлантириш бўйича чора-

тадбирлар режаси кўрсаткичларининг ўзаро мувофиқлиги ҳамда аниқлигини таъминлашга имкон яратган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий конференцияда, хусусан, 2 та республика миқёсида ва 2 та халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертациянинг асосий натижалари жами 10 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда чоп этилган.

Диссертация натижалари маҳаллий ва хорижий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 4 та республика ва 1 та хорижий журналда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, 3 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг умумий ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, шунингдек, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, ишнинг ишончлилиги, нашр қилинган ишлар сони ва апробацияси, диссертация ишининг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Зиёрат туризмнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида зиёрат туризмнинг моҳияти ва унинг дунё бозоридаги ривожланиш босқичлари ва хусусиятлари ҳамда ҳалол туризм бозори, унга киритилаётган инвестициялар ва мазкур соҳада амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар, шунингдек, ислом мамлакатлари иқтисодиётида туризм соҳасининг ўрни, ҳалол озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак маҳсулотлари, фармацевтика маҳсулотлари, мамлакатлар кесимида ҳалол косметика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналар ва медиавоситалар ва соғломлаштириш хизматларини амалга оширувчи мамлакатларнинг тажрибаси ўрганилиб, тегишли услубий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилган.


Тадқиқот ишида зиёрат туризми билан боғлиқ хизматларнинг одатий туризм хизматларидан фарқланиш хусусиятлари асослаб берилган.

Хусусан, Мусулмон саёҳатчи, Муслим туризми, “Ҳалол саёҳат”, “Ҳалол туризм”, “Исломий саёҳат”, “Ҳаж ва умра саёҳатлари”, “Ҳалол талабларига жавоб берувчи дам олиш масканлари”, “Ҳалол” дам олиш, “Ҳалол” тур пакетлари, “Ислом” тур пакетлари, “Ҳалол” меҳмонхона, Шариат аҳкомларига мослашган меҳмонхоналар тушунчалари ёритиб берилган.

Автомагистрал йўллари атрофида жойлашган инфратузилма объектлари (автосервис, ёқилғи қуйиш станциялари, тураргоҳлар ва бошқалар) лойиҳалари, зиёрат туризми мос бўлган йирик моддий-маданий мерос объектларида ички ва зиёрат туризми оқимларини шакллантириш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибалари ўрганилган.

Хусусан, Туркия, Малайзия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларнинг ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш йўллари ва механизмлари тадбиқ этилган.

Туризм турларини кўпайтириш, ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш, муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил қилишга кўмаклашиш, зиёрат туризмини ривожлантириш бўйича миллий ва ҳудудий дастурлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни мониторинг қилиш учун “Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бошқармаси” фаолиятини йўлга қўйиш ҳамда уни ташкил этишнинг вазифа ва функциялари таклиф этилган (1-расм).



### **1-расм. Ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш бошқармасининг асосий вазифа ва функциялари<sup>6</sup>**

Шу билан бирга, ушбу бошқарма томонидан ички ва зиёрат туризмини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича аниқ вазифалар ва амалга оширилувчи чоралар тайёрланган.

Бундай бошқарманинг ташкил этилишда туризм турларини кўпайтириш, энг аввало, ички ва зиёрат туризмини ривожлантириш, ташқи ва ички туризми ҳар томонлама кенгайтириш, янги зиёрат туризм йўналишларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни туризм бозорларида жорий қилиш муҳимлиги белгилаб берилиб, уларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилган.

<sup>6</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Ички ва зиёрат туризмни ривожлантириш бошқармаси томонидан  
амалга ошириладиган аниқ механизмлар<sup>7</sup>**

Даражаси	Амалга ошириладиган чоралар
<b>Халқаро даража</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг ички ҳамда зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш.</li> <li>2. Хорижий мамлакатларнинг ҳомийлик ҳамда хайрия маблағларини зиёрат туризмни ривожлантириш учун жалб этиш ҳамда реализация қилиш.</li> </ol>
<b>Миллий даража</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Маҳаллий туристларнинг мамлакат бўйлаб муқаддас қадамжоларга саёҳат қилишига кўмаклашиш ва саёҳат қилишини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоялаш.</li> <li>2. Жамоа шартномаларига иш берувчилар томонидан ходимлар учун йилига бир маротаба маҳаллий саёҳатга чиқиш имконини яратиш.</li> <li>3. Аҳолига муқаддас жойларга саёҳатларни ташкил этганлиги учун қисман субсидиялаш.</li> <li>4. Туроператорлар билан биргаликда субсидиялаш механизмини қўллаган ҳолда бошқа авиа ва темир йўл қатновларини йўлга қўйиш.</li> <li>5. Молиялаштирувчи манбалар шаклланишини ташкил этиш.</li> <li>6. Зиёрат туризми йўналишида тўғри тарғиботни йўлга қўйиш ва зиёрат объектлари ҳақида илмий асосланган маълумотларни ишлаб чиқиш.</li> </ol>
<b>Худудий даража</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Худудлар миқёсида муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларга саёҳатлар ташкил қилишга кўмаклашиш.</li> <li>2. Худудий даражада янги зиёрат туризми маршрутларини жорий этиш.</li> <li>3. Хусусий туризм ташкилотлари билан биргаликда муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳлар рўйхатидаги объектларнинг республика худудларининг “чорлов нуқтаси” сифатида туризм йўналишларига киритиш бўйича таклифлар киритиш.</li> </ol>

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда зиёрат туризмга қуйидагича таъриф бериш тавсия этилади. “Инсонлар ўз маънавий ва руҳий эҳтиёжларини қондириш ҳамда диний амалларни бажариш мақсадида амалга оширувчи саёҳатларидир”.

Зиёрат туризмнинг асоси бўлган “Ҳаж” ва “Умра” ибодатларининг ташкил этилиши, мамлакатлар кесимида унга таъриф буюрувчи зиёратчилар сони, жалб этилувчи малакали мутахассисларнинг гендер ва соҳалар бўйича тақсимоти ҳамда Ислом мамлакатларида мусулмонлар атамаларига исломшунос олимлар томонидан берилган таърифлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва бу тадбирлардан республика туризм соҳасида фойдаланиш усуллари илмий асосланган.

Диссертациянинг **“Малайзия мамлакатада туризм соҳасининг ривожланиши”** деб номланган иккинчи бобида Жанубий Осиё

<sup>7</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

мамлакатларида туризмнинг ривожланиши, туризм хизматларининг ривожланиши иқтисодий фаолиятнинг кенг кўламда ривожланишига туртки бўлиши, Малайзиянинг “Янги иқтисодий сиёсати” (New Economic Policy) Миллий ривожланиш дастурига асосан туризмни ривожлантириш режаси қабул қилиниши, унга асосан туризмга ихтисослашган ҳудудларнинг танлаб олиниши, ҳукумат томонидан меҳмонхона ва туризм саноатини ривожлантиришга қаратилган франчайзинг тизимининг жорий этилиши ўрганилган.

Маҳаллий туристларнинг мамлакат бўйлаб саёҳатларини ташкил этиш, ички ва зиёрат туризм йўналишларида амалга ошириладиган авиақатновларни қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан авиа чипта нархининг 25 фоизи миқдорида субсидиялаш таклиф этилган.

Унга кўра, авиаташувчиларга мамлакатимиздаги ички авиақатновларнинг чипта нархларини 25 фоизи ҳамда туроператор ва турагентлар томонидан маҳаллий сайёҳлар учун ташкил этилган турларга авиа ва темир йўл чипталари нархининг 15 фоизи миқдорида субсидиялар ажратиладиган авиа ва темир йўл йўналишлари белгиланган.

## 2-жадвал

### Ички ва зиёрат туризм йўналишларида амалга ошириладиган авиақатновлар учун Давлат бюджетидан қопланадиган субсидия суммаси миқдори

Қатнов йўналиши	Йўналишга белгиланган махсус тариф (минг.сўмда)	Субсидияланадиган сумма (махсус тарифнинг 25%, (минг.сўмда)	Чипта нархининг энг юқори даражаси (минг.сўмда)
Тошкент-Наманган	518,6	129,6	388,9
Наманган-Тошкент	493,9	123,4	370,4
Тошкент-Фарғона	444,5	111,1	333,3
Фарғона-Тошкент	419,8	104,9	314,8
Тошкент-Андижон	444,5	111,1	333,3
Андижон-Тошкент	419,8	104,9	314,8
Тошкент-Самарқанд	370,4	92,6	277,8
Самарқанд-Тошкент	370,4	92,6	277,8
Тошкент-Бухоро	530,9	132,7	398,2
Бухоро-Тошкент	530,9	132,7	398,2
Урганч-Фарғона	901,3	225,3	676,0
Фарғона-Урганч	876,6	219,1	657,5
Самарқанд-Урганч	703,8	175,9	527,8
Урганч-Самарқанд	703,8	175,9	527,8
Самарқанд-Фарғона	679,1	169,7	509,3
Фарғона-Самарқанд	654,4	163,6	490,8
Самарқанд-Наманган	666,7	166,6	500,0
Наманган-Самарқанд	642,0	160,5	481,5
Урганч-Термиз	567,9	142,0	425,9
Термиз-Урганч	543,3	135,8	407,4

Субсидияланадиган йўналишлар сони 10 та эканлиги ҳамда чипта нархларининг энг юқори суммалари белгиланган.

Ушбу таклифга кўра, Самарқанд – Наманган авиақатновидаги чипта нархи 666,7 минг сўмни ташкил этган бўлса, авиаташувчига бериладиган субсидия ҳисобига ушбу чипта нархининг энг юқори суммаси 500,0 минг сўмни ташкил этган.

Шунингдек, туроператорлар ва турагентлар томонидан тур доирасида харид қилинган “Андижон-Хива-Андижон”, “Термиз-Қарши-Хива” ва “Термиз-Қарши-Самарқанд” йўналишлари субсидияланадиган йўналишларга киритилган.

### 3-жадвал

#### Ерда кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари учун чегирмалар жорий қилиниши натижасида нархларнинг тушиши<sup>8</sup>

№	Кўрсатиладиган хизматлар турлари	Олдинги нархлар (минг.сўмда)	Ҳозирги нархлар (минг.сўмда)
1.	“Учиш-қўниш” тўлови	165,0 x 77 = 12 705,0	100,8 x 77 = 7 761,6
2.	Йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш йиғими	100,0 x 150 = 15 000,0	33,6 x 150 = 5 040,0
3.	Авиа қатнов хавфсизлигини таъминлаш йиғими	“Учиш-қўниш” тўловининг 10% = 1 270,5	“Учиш-қўниш” тўловининг 10% = 776,1
4.	Аэровокзалдан фойдаланганлик йиғими	150,0 x 150 = 22 500,0	95,2 x 150 = 14 280,0
5.	Кўниш давридаги йўловчиларга хизмат кўрсатиш тўлови	240,0 x 150 = 36 000,0	168,0 x 150 = 25 200,0
6.	Учиш давридаги йўловчиларга хизмат кўрсатиш тўлови	110,0 x 150 = 16 500,0	112,0 x 150 = 16 800,0
7.	Самолиётнинг учиши ва қўнишини таъминлаш харажати	--	--
8.	Грап орқали йўловчиларни тушириш йиғими	--	1 соат= 1 108,8
9.	Йўловчиларни ташиш (автобус орқали)	--	--
10.	Ердан ҳаво кемаларига хизмат кўрсатувчи супервайзер хизматлари	--	--
<b>Жами:</b>		<b>103 975,5</b>	<b>70 190,4</b>

Зиёратгоҳлар атрофида ҳалол талабларни жорий этиш орқали зиёрат туризми дастури доирасида йўловчиларни ташиш бўйича хорижий авиакомпаниялар ҳаво кемаларига ерда кўрсатиладиган хизматларнинг асосий турлари учун эълон қилинган тарифларга 50 фоизгача чегирмалар жорий қилиш таклифи ишлаб чиқилган. Ушбу йўналишдаги қатновлар сони 4 тадан 6 тага кўпайишига эришилган.

Шунингдек, ҳаж амалларини амалга ошириш, бошқариш, депозит хизматлари ҳамда инвестиция хизматлари кўрсатувчи “Lembaga Tabung Haji” ташкилотига асос солиниши, бу ташкилот томонидан амалга оширилган ишлар ва Малайзияда исломий туризмнинг умумий 8 та хусусияти ўрганиб чиқилган.

<sup>8</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ҳалол туризм хизматлари учун талабларнинг А.1 А тоифаси – ҳалол туризм бўйича кенг кўламли хизматлар мавжуд жойлаштириш воситалари, А.2 Б – ҳалол туризм бўйича ўртача хизматларга эга жойлаштириш воситаси ва А.3 С – ҳалол туризм бўйича асосий хизматларга эга жойлаштириш воситалари тоифаси учун талаблар мазмуни ёритилган.

Диссертациянинг **“Мамлакатимизда зиёрат туризмнинг ривожланиш тенденциялари”** деб номланган учинчи бобида мамлакатда туризм соҳасининг ривожланиш босқичлари, “Ўзбектуризм” миллий компанияси томонидан мазкур соҳани ривожлантириш бўйича амалга оширилган фаолият, мустақилликнинг дастлабки йилларда муҳим тарихий ёдгорлик ва зиёратгоҳларни қайта таъмирлаш ва реставрация қилиш борасида амалга оширилган ишлар, давлат раҳбари ва ҳукумат томонидан қабул қилинган дастурларнинг амалга оширилиши, мазкур сай-ҳаракатларнинг амалга оширилиш натижасида мамлакатда туризм соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони ортиши илмий-услубий ва амалий жиҳатлардан ўрганилиб, асослаб берилган.

Ўрганилган маълумотлар ва тўпланган статистик маълумотларга асосан мамлакатдаги маҳаллий ва хорижий туристлар энг кўп ташриф буюрувчи топ-10 та зиёратгоҳ рўйхати шакллантирилган.

#### 4-жадвал

#### Ўзбекистоннинг топ-10 та энг асосий зиёратгоҳлари ва уларга чет эллик туристларни мамлакатлар кесимида жалб этиш бўйича таклифлар<sup>9</sup>

№	Ҳудудлар номи	Зиёратгоҳлар номи	Тариқат номи	Тарғибот қилинадиган мамлакатлар
1.	Самарқанд вилояти	“Имом ал-Бухорий” мемориал мажмуаси	-	Марказий Осиё мамлакатлари, Шарқий Осиё мамлакатлари
2.	Тошкент шаҳри	VII асрга оид “Қуръони Карим”нинг Усмон р.а нусхаси сақланаётган “Ҳазрати Имом” мажмуаси	-	Марказий Осиё мамлакатлари, Покистон, Ҳиндистон, Араб ва Шимолий Кавказ мамлакатлари
3.	Самарқанд вилояти	“Шоҳи Зинда” мақбараси ( <i>Қусам ибн Аббос ва бошқалар</i> )	-	Марказий Осиё мамлакатлари, Араб ва Шимолий Кавказ мамлакатлари
4.	Бухоро вилояти	“Баҳовуддин Нақшбандий” мажмуаси	нақшбандия	Марказий Осиё мамлакатлари, Покистон, Ҳиндистон, Шимолий Кавказ мамлакатлари
5.	Хоразм вилояти	“Паҳловон Маҳмуд” мақбараси	пантеизм	Марказий Осиё мамлакатлари
6.	Тошкент вилояти	“Занги ота” мақбараси ( <i>Занги ота Ҳимматий</i> )	яссавий	Марказий Осиё мамлакатлари

<sup>9</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

#### 4-жадвал давоми

7.	Андижон вилояти	“Ҳазрати Али” мақбараси ёки Имом ота зиёратгоҳи ( <i>Муҳаммад ал-Ҳанафия</i> )	-	Марказий Осиё мамлакатлари, Саудия Арабистони
8.	Қашқадарё вилояти	“Катта Лангар ота” зиёратгоҳи ( <i>Шайх Абул Ҳасан Ииқия</i> )	ишқия	Шимолий Кавказ мамлакатлари, Саудия Арабистони
9.	Навоий вилояти	“Нурота чашмаси” зиёратгоҳи ( <i>Шайх Абул Ҳасан Нурий</i> )	яссавий	Марказий Осиё мамлакатлари
10.	Сурхондарё вилояти	“Имом Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий” мемориал мажмуаси	хакимия	Марказий Осиё мамлакатлари

“Имом ал-Бухорий” мемориал мажмуасида зиёрат туризми хизматлари бозорининг ички бюджет тушумларини шакллантиришдаги улушини аниқлаш ва таҳлил қилиш мақсадида, мажмуа атрофидаги туристларга хизмат кўрсатувчи объектларда тўланадиган солиқлар ҳажми ўрганилган ва мазкур объектларнинг ҳудуд ялпи ички маҳсулотга таъсири прогноз қилинган.

Самарқанд вилоятида жойлашган “Имом Бухорий” мажмуаси атрофида жойлашган тадбиркорлик субъектлари фаолияти натижалари, улар томонидан олинган даромадидан тўланган солиқлар, тадбиркорларнинг даромадига таъсир этувчи омиллар асосида кўп омиллик эконометрик модел тузиш талаб этилади. Бу модель айрим яширин иқтисодий қонуниятларни аниқлаш ҳамда асосий омилларни топишга ёрдам беради.

Самарқанд вилоятида жойлашган “Имом Бухорий” мажмуаси атрофида жойлашган тадбиркорлик субъектларининг 2016-2021 йилларнинг ойлар бўйича олиб борган фаолияти тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга киритилувчи маълумотларнинг ўлчов бирлиги турлича бўлганлиги учун уларнинг барчаси логарифмланади. Натижавий омил: тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланувчи солиқ ва тўловлар ҳажми, минг сўм, ( $\ln Y$ ) ҳисобланади. Таъсир этувчи омиллар эса – умумий овқатланиш шохобчалари даромади, минг сўм, ( $\ln X1$ ), савдо шохобчалари, сувенир ва бошқа ўйинчоқ дўконлари даромади, минг сўм, ( $\ln X2$ ), жойлаштириш воситалари даромади, минг сўм, ( $\ln X3$ ), туризм фирма ва ташкилотлари сони, дона, ( $\ln X4$ ), ташриф буюрувчилар сони, минг киши, ( $\ln X5$ ).

Кўп омилли эконометрик модел тузишдан олдин моделга кирувчи барча ўзгарувчиларнинг тавсифий статистикаси ўтказилади. Бунда бир қатор кўрсаткичлар ҳисобланади ва моделга киритиладиган омилларнинг нормал тақсимотига бўйсунуши аниқланади. “Имом Бухорий” мажмуаси атрофида жойлашган тадбиркорлик субъектлари маълумотларининг ҳисобланган тавсифий статистикаси натижалари 5-жадвалда келтирилган.

Омиллар бўйича тавсифий статистика натижалари<sup>10</sup>

	LN <sub>Y</sub>	LN <sub>X1</sub>	LN <sub>X2</sub>	LN <sub>X3</sub>	LN <sub>X4</sub>	LN <sub>X5</sub>
Mean (ўртача)	10.25327	6.752789	7.624442	5.872871	2.228351	3.874688
Median (медиана)	10.34934	6.823530	7.759366	5.551602	2.302585	3.997997
Maximum (максимум)	12.28904	8.373254	9.866263	7.723120	3.258097	5.480639
Minimum (минимум)	7.713631	4.665324	4.665324	3.988984	1.098612	0.336472
Std. Dev. (стандарт четланиш)	0.963297	0.838209	1.104182	0.977632	0.530527	1.109799
Skewness (асимметрия)	0.304378	0.608318	0.381783	0.378131	0.100711	1.474729
Kurtosis (экссесс)	2.894007	3.124164	2.826068	2.081926	2.049389	5.193476
Jarque-Bera (Жак-Бера)	1.145453	4.486864	1.839859	4.244374	2.832699	40.53192
Probability (эхтимоллик)	0.563986	0.106094	0.398547	0.119769	0.242598	0.000000
Sum (йиғинди)	738.2355	486.2008	548.9598	422.8467	160.4413	278.9776
SumSq. Dev. (стандарт четланиш йиғиндиси)	65.88388	49.88422	86.56446	67.85920	19.98359	87.44746
Observations (кузатувлар)	72	72	72	72	72	72

Жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал (maximum, minimum) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари, ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) – стандарт четланиш коэффиценти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилди.

Натижавий омил(lnY)нинг нормал тақсимот қонунига бўйсунганини текшириш учун Жак-Бера мезонидан фойдаланилди. Мазкур мезон статистик мезон бўлиб, кузатувлар хатоларининг нормал тақсимот моментлари билан учинчи момент (асимметрия) ва тўртинчи моментини (экссесс) нормал тақсимотга текширади ва  $S = 0$  ва  $K = 3$ .

Бу ҳисобланган параметр ва мезонлар томонидан тасдиқланади, яъни Жак-Бера ҳисобланган коэффиценти 23,425га тенг ва унинг эхтимоллиги (probability) 0,05 дан кичик (prob=0.000008).

<sup>10</sup> Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

**Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси<sup>11</sup>**

	LN $Y$	LN $X_1$	LN $X_2$	LN $X_3$	LN $X_4$	LN $X_5$
LN $Y$	1.000000					
LN $X_1$	0.850259	1.000000				
	13.51494	-----				
	0.0000	-----				
LN $X_2$	0.982039	0.657151	1.000000			
	43.54657	3.697471	-----			
	0.0000	0.0053	-----			
LN $X_3$	0.863970	0.476003	0.398238	1.000000		
	14.35523	4.14365	1.98760	-----		
	0.0000	0.0002	0.1614	-----		
